



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 29 июнь, № 127 (5547)

Жума

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Бугун юртимиздаги қай бир гўшага борманг, обод ва кўркам манзилларга, йирик sanoat корхоналарига дуч келасиз. Президентимизнинг ташаббуси ҳамда бунёдкор халқимиз кудрати билан барпо этилган ана шундай корхоналардан бири Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бўлиб, у 1997 йилнинг 22 августда ишга туширилган.

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти

истиклол йилларида барпо этилган муҳташам иншоотлар, кудратли корхоналар мисолида ёрқин намоян бўлмоқда

Айни пайтда бу ердаги мутахассислар нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар воситасида самарали фаолият олиб боришмоқда.

— Корхонамизда барча технологик жараёнлар асосий ишлаб чиқариш цехининг марказий операторлар хонасида бошқарилади ва назорат қилинади, — дейди завод директори Ш. Сайдахмедов.

— Бизда автобензин, авиакеросин, дизель ёқилгиси, углеводород эриткичи, мазут, суюлтирилган газ,

олтингурут каби нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Натижада халқаро стандартларга тўла мос келадиган юқори октанли Аи-91, Аи-93, Аи-95 русумидаги автобензинлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Даржаикат, корхонада экологик жиҳатдан хавфсиз, юқори сифат кўрсаткичига эга бўлган дизель ёқилгиси ишлаб чиқарилмоқда. Бундан тўрт йил муқаддам жа-

хон стандартларига мос келадиган, совуқ ҳароратга чидамли маҳсулотлар тайёрлаш борасида амалга ўзлаштирилди. Қолаверса, айни пайтда “Боинг” ва “Аэробус” русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган, асл Джет А-1 русумли авиация ёқилгиси ишлаб чиқарилапти. Шу боис цехларнинг технологик инфратузилмаси модернизация қилинди, резервуарларда янги авиация ёқилгисини сақлашга мўлжалланган чора-тадбирлар амалга оширилди. Завод марказий лабораториясида авиация ёқилгисини ASTM (АҚШ) хориж стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун жиҳозлаш юмушлари бажарилди. Бу ишларга жами 2,5 миллиард сўм ва 135 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди.

— Натижада DEF STAN 91-91 (Буюк Британия) ҳамда ASTM В 1655 халқаро стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда айрим кўрсаткичлари бўйича улардан устунроқ бўлган Джет А-1 русумли авиация ёқилгисини ишлаб чиқариш жараёни ўзлаштирилди, — дейди корхона бош технологи Б. Усмонов. — Бу турдаги маҳсулот “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК истеъмолчиларига мунтазам етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Дунё нигоҳи

Ўзбекистонда ёшларни соғлом ҳаёт тарзига жалб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, жумладан, болалар ва ўсмирлар ўртасида йирик спорт мусобақаларининг ўтказилиши хориж ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш борасида катта муваффақиятларга эришди»


Хусусан, Япония Саломатлик ва фаровонлик халқаро университети профессори Момоко Чиза “Жаҳон” ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбатда соғлиқни сақлаш ва экология соҳасидаги турли лойиҳалар доирасида Ўзбекистонга уюштирилган сафарлари чоғида давлатимиз раҳбарининг ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратаётган катта эътибори ва бу борада олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар самарасига кўп маротаба гувоҳ бўлганини қайд этди.

Ўзбекистонда жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш бўйича амалга ошири-

лаётган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталар экан, Момоко Чиза мактаб, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда талабалар ўртасида ўтказилаётган ва бошқа мамлакатларда учрамайдиган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда Универсиада спорт ўйинлари тизими ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. Унинг фикрича, мазкур спорт ўйинлари халқаро турнирлар ва яқинлашиб келаётган Олимпия ўйинларида ўз Ватани шарафини муносиб ҳимоя қиладиган истеъдодли ҳамда қобилиятли спортчиларни тайёрлаш жараёнига бебаҳо хисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Мамлакатимизда:



Сирдарё

Гулистон шаҳридаги “Бек қурилиш авто” МЧЖ жамоаси қурилиш-монтаж ишлари кўламини тобора кенгайтирмоқда.

Бинокорлар ҳиссаси

Йил бошидан буён 3 миллиард сўмлик иш бажарган бунёдкорлар айни чоғда шаҳардаги бир неча объектларни мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш мақсадида меҳнат қилишяпти. Айни пайтда бу ерда янги лойиҳа рўйга чиқарилмоқда. Яъни “Микрокредитбанк”нинг 662 миллион сўмлик кредити

ҳамда корхонанинг 100 миллион сўм маблағи эвазига замонавий қурилиш техникалари харид қилинмоқда. Бу иш суръатини янада жадаллаштириш имконини беради. Шуниси эътиборлики, вилоятда жорий йилнинг беш ойи мобайнида 71,6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сурхондарё

Олтинсой туманидаги “Асиа — пласт Олтинсой” хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Имтиёз имкониятни оширмоқда

— Тадбиркорларга берилаётган катта эътибор туфайли маҳсулот ҳажми ошиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Муротали Абдуллаев. — Ҳозир ойига 85-90 миллион сўмлик қувурни истеъмолчиларга етказиб бераёмиш. Солиқ тўловидаги имтиёзлар эвазига тежалган маблағ фаолиятимизни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга сарфланмоқда. Хусусан, дастлаб бу ерда 3 киши меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сони 10 нафардан ошди.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 278 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар томонидан 8862 та иш ўрни яратилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Навоий

Вилоят марказидаги “Зарафшон извест” МЧЖ томонидан жорий йилнинг беш ойида 650 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Маҳаллий хом ашёдан янги маҳсулот

Жамоа аъзолари қурилишда зарур бўладиган карбит-кальций ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ҳаракатида. Бунинг учун банк томонидан ажратилган 695 минг АҚШ доллари миқдориди кредитларга замонавий ускуналар олиб келинди. Хом ашё эса Томди туманидаги

Оқтоғдан келтирилади. Бу каби лойиҳалар Зарафшон шаҳридаги корхоналарда ўтган беш ой ичида 20 миллиард 62 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида муҳим омил бўлди.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Наманган

Вилоят марказидаги санъат коллежида ташкил этилган битирувчилар кечасида ёшларга мутахассислик дипломи билан бирга меҳнат дафтарчалари топширилди.

Битирувчиларга меҳнат дафтарчалари

— Маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлиmlлари билан ҳамкорликда битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан уч томонлама шартномалар туздиқ, — дейди коллеж директори Нортжои Юсупова. — Шунга асосан, 130 нафар битирувчи халқ таълими, 13 нафари маданият муассасалари, 20 таси эса бошқа меҳнат жамоаларида фаолият бошлайдиган бўлди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда вилоятдаги касбухона коллежларини тугаллаган 41880 нафар битирувчи ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан тузилган худди шундай шартномалар бўйича ишга жойлашмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Муносабат

Энг улуг неъмат, бу — она-Ватаннинг тинч ва осойишта-лигидир. Беҳад ғурур ва шукрон билан айтамызки, жонажон Ўзбекистонимизда осуда ҳаёт ҳукмрон. Хотиржам юртга эса байрамлар ярашади.

Юксак ишонч масъулияти

Шу маънода, куни кеча биз, журналистлар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини катта кўтаринкилик билан нишонладик. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг табриклари барчамизга зўр кайфият ва мамнуният бахш этди. Табриқда қалам аҳлига алоҳида ҳурмат ва юксак ишонч билдирилганки, бундай эътибор бизга туганмас илҳом, куч-ғайрат бағишламоқда. Чунончи, Президентимиз табригидаги ушбу эътироф ҳамкасбларимизни, айниқса, тўлқинлантириб юборди: “...эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мураккаб фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳаммадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан”.

(Давоми 2-бетда.)

Гўзаллик — соғлом ҳаёт тимсоли



Инсон руҳан ва жисмонан тетик, бардам экан, ҳамиша яхши яшашга, ҳавас қилса арзигулик ҳаёт қуришга интилади.

Халқаро кўргазма

Бугун, айниқса, замон ривожланиб, юртимиз тараққиётга юз тутгани сайин одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати, турмуш тарзи ва яшаш шароити буткул ўзгармоқда. Бу каттаю кичикнинг маънавий дид ҳамда савияси кундан-кун юксалаётгани, мусика, санъат ва гўзаллик ҳақидаги тасавуруларимиз тобора бойиб бораётганлиги мисолида ўз ифодасини топтоқда.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган “BeautyExpo Uzbekistan — 2012” халқаро иқтисодиётини ривожлантиришнинг гўзаллик кўргазмасига ташриф буюрсангиз, бунга яна бир бор амин бўласиз. Ушбу тадбир “ТНТ Экспр” кўргазмалар компанияси, Абу Али ибн Сино (Авиценна) номидаги халқ таъбири халқаро уюшмаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Семинар

“Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Фанлар академияси қошидаги “Ёш олимлар” кенгаши, “XXI asr texnologiyalari” журнали билан ҳамкорликда “Ёшларнинг инновацион тафаккурини ривожлантириш — долзарб вазифа” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Илғор инновациялар — давр талаби

Бугунги замон ёшлардан илғор фикрлашни, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида аҳоли эътиёжларини тўлақонли қондириш, кундалик турмушимизда қулайликларни кўпайтиришга ҳизмат қиладиган янги қарашларни яратишни талаб этмоқда. Бунда эса, табиийки, уларда инновацион тафаккурни кучайтириш, қишлоқ хўжалиги,

саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё технологияси, темир йўл ва авиация хизматлари ҳамда бошқа соҳаларда кенг қўла-ниладиган гошларни ишлаб чиқишга давлат томонидан кўмаклаштиш, ёш иxtiroчиларга шарт-шароит яратиш берилш муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистонда Германия иқтисодиёти куни

Пойтахтимизда 28 июнь куни “Германия иқтисодиёти куни” мавзусида бизнес-форум бўлиб ўтди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамда мамлакатимиздаги Германия иқтисодиёти клуби ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг савдо-саноат, сармоя, сугурта, нефть-газ, банк-молия, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат саноати,

юқори технологиялар, логистика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электрон маҳсулотлар, мебелсозлик, энгил саноат, геология, ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

Иқтидорли ёшларнинг парвоз майдони

“Келажақ овози — 2012” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида иштирок этган йигит-қизларнинг умумий сони

79 минг нафарга етди.

Танлов илк бор ташкил этилган 2005 йилда 3 минг иқтидор эгасидан ариза тушгани инобатга олинадиган бўлса, ўтган қисқа даврда унинг нуфузи тобора ошиб, мамлакатимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқаришга ҳизмат қиладиган бу муҳим тадбир, таъбир жоиз бўлса, ёшларнинг парвоз майдонига айланиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда Германия иқтисодиёти кун

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Мазкур анжуман ҳам ўзаро савдо-иқтисодий ва сармовий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга ҳисса қўлиши қайд этилди.

Форумда германиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давом этаяётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида сармовдорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан танишди.

Германия сармовдорлари иштирокида мамлакатимизда умумий қўйма-

ти бир миллиард евродан зиёд қўллаб қармолий лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳуқуматлараро ва идоралараро даражадаги юздан зиёд ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармовий, молиявий, техникавий соҳалардаги ҳамда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорликка оид битимлар бор. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар муттасил ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорағида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 118,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда германиялик сармовдорлар иштирокида тузилган 123 қўшма корхона, Германия фирм ва компанияларининг 47 вазокатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил саноат, табиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташвиш ҳамда автомобил хизмати каби соҳаларда иш юряпти.

— Биз ўзбекистонлик ишбилармон-

лар билан узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги шериклар билан алоқалар ўрнатish мақсадида келдик, — деди Германия Федератив Республикаси Штутгарт минтақаси савдо-саноат палатасининг департамент директори, делегация раҳбари Барбара Эффенбергер. — Мамлакатингизнинг қатор вазирилик ва идораларида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказдик. Бу жараёнда Ўзбекистонда хорижий сармовдорларнинг фаол ва самарали иш юритиши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорликни, жумладан, савдо-сармов, нефть-газ, машинасозлик, қурилиш, логистика, электротехника, банк-молия ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Германия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳомада қилинди. Ўзбекистон ва Германиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари таҳлил этилар экан, товар айирбошлаш ҳажминини янада ошириш, қўшма корхона сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА, Ўза мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Япония жанг саныти ва яккакураш федерацияси бош директори, спорт устаси Хидео Камаганинг фикрича, Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар ўртасида республика миқёсидаги спорт мусобақаларининг мунтазам ўткази-

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш борасида катта муваффақиятларга эришди»

лиши спортнинг хилма-хил турлари бўйича мамлакат ҳамда жаҳон чемпионларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш орқали уларнинг соғлом ва фаол ҳаёт тарзи учун шарт-шароитлар яратилгани юксак ақлий салоҳият-

га эга баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Х. Камага мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг спорт соҳасида эришган муваффақиятларини ҳамда Ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпиада ўйинлари, хориж ва юртимизда ўтказилган бошқа

турли-туман халқаро мусобақаларда кўпга соғломлашди. Шунинг билан бирга, ўзбекистонлик дзюдо усталари, жумладан, Абдулла Тангриевнинг мазкур спорт тури бўйича халқаро турнирлар ва бошқа йирик мусобақаларда эришган галабалари алоҳида эътирофга моликлигини таъкидлади.

“Юртингиз спортчилари эришган барча муваффақиятлар, — деди Х. Камага пировардида, — Президент Исом Каримовнинг спортни ривожлантириш ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратаётган эътибори ҳамда ҳаммурилли маҳсулидир”.

«Жаҳон» АА.

Юксак ишонч масъулияти

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Дарҳақиқат, жамиятдаги воқеа-ходисаларни холисона ёритиш, ўсиб келаётган, онгу тафаккури энди-энди шаклланаётган ёшларимизни тўғри йўлга бошлашда матбуотнинг таъсири бекиёс. Шу боис айтадиган ҳар бир сўзимизда холисликка таяниб, ҳақиқатни қарор топтиришга интилишимиз бугун ҳар қачонгидан-да зарурдир. Ўз навбатида, бу ёзаётган мақолаларимизнинг қизиқарли, ўқишли бўлиши учун асос вази-фасини ўтайди. Айниқса, тайёрландиган материалларимизда Президентимиз томонидан белгилаб берилган Концепциядаги талабларни дастуриламал деб билишимиз ва шу асосда фаолият кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ.

Бугун давр ўзгарди. Жамиятимиздаги янгилашларни холис ва тезкор, таъсирчан қилиб ёритишда зиммामизга юксак талаблар қўйилмоқда. Бу вази-фаларни бажариш эса ички назорат, орқича андишаю истихोलани бир четга суриб қўйиб, фақат ҳаққонлилик ва адолат тамойилларига асосланиб иш кўришни тақозо қилаётган. Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимиз ри-вожига тўсик бўлаётган айри кукурларни бартараф этиш масаласига холисона ёндашсақ, юзими ёруғ, қаддимиз тик бўлади. Мана шу ҳаётий ҳақиқат Юртбошимиз табриғида ҳам ифода этилганлиги бизга яна-

да шижоат, қатъият бағиш-лади.

Табриқда, шунингдек, журналистнинг виждон амри билан яшashi, ўз ишига қатъият ва масъулият билан ёндашиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бу, албатта, журналист ўз фаолиятига жиддий, танқидий нукта назардан баҳо беришни ўрганмоғи, шу билан бирга, ҳар бир жараёнда виждон амрига қўлоқ тутиши лозим-лигига ишорадир. Бинобарин, журналист замон билан ҳамнафас яшамоғи учун унга нафақат истеъдод, балки янги-ча тафаккур ва кенг билим зарур. Қувонарлиси, бугун бунга эришмоғимиз учун юртимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Ҳозир нафақат пойтахтда, балки мамлакатимиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, ҳамкасбларимиз турли танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишаёпти. Буларнинг бари ушбу соҳада меҳнат қилувчи фидойий ҳамкасбларимизнинг ижод завқидан баҳраманд бўлиб, ҳавас қилса арзиғулик ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шаҳзода АКБАРОВА,
«Илғор эл фаол журналисти — 2011»
танлови қолиби,
«Аёл ва жамият»
газетасининг махсус мухбири.
Наманган вилояти



Гўзаллик — соғлом ҳаёт тимсоли

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кўргазмада гигиена воситалари, пардоз ашёлари, табиий гиёҳлар, биологик фаол дармондорилар, заргарлик буюмлари, сартарошона ва косметологияда қўлланладиган техник жиҳозлар намойиш этиляпти. Бундан ташқари, нозик дидли опа-сингилларимиз учун энг атак гўзаллик салонлари ва эстетик тиббиёт клиникаларининг хизмат турлари ҳам тақдим қилинаётир.

Бу йил саккизинчи бор ўтказилаётган мазкур анъанавий кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, Беларусь, Болгария, Германия, Греция, Жанубий Корея, Италия, Хитой, Хиндустон, Покистон, Польша, Швейцария сингари жаҳоннинг ўн олти мамлакатидан 50 дан зиёд компания катнашапти.

— Уч кун давом этиши кўзда тутилган Гўзаллик индустрияси кўргазмасида маҳсулотлар намойишидан ташқари соҳа мутахассислари учун маҳорат дарслари, тақдирот ва шулар ҳам уюштирилади, — дейди Ўзбекистон сартарошлар уюшмаси раиси Фарҳод Шомуродов. — Ўз навбатида, бу каби ранг-баранг тадбирлар юртимиз мута-

хассислари ва хорижлик экспертларнинг ўзаро таъриба алмашиши, ижоди мулоқотга киришиши ҳамда мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга.

Польша давлатининг “Donegal” компаниясида косметик аксессуарлар ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда ушбу компания маҳсулотлари МДҲ ва Европа мамлакатларида хариддорлиги билан нол қозонган.

— Пойтахтингизда бўлиб ўтаётган Гўзаллик кўргазмасида тўртинчи бор иштирок этишимиз, — дейди корхонанинг экспорт масалалари бўйича менежери Кристина Чоп. — Ўзбекистонда мода ҳамда ишлаб чиқариш саноати тобора ривожланиб бораётгани боис бу ердаги етакчи фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Кўргазманинг илк куниданқо маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирилмоқда. Энг муҳими, бу ерда бугунги харидор талабини, билдирилатган тақлим ва мулоҳазаларни диққат билан ўрганаяпмиз.

Кўргазмадан, шунингдек, Ўзбекистон Халқ табиоти академияси тавсия этаётган табиий дори воситалари ҳам ўрин олган. Махсус сифат сертифика-

тига эга бўлган ушбу маҳамлар улуг бобокалонимиз — Абу Али ибн Синодан мерос тавсиялар асосида турли ўсимлик, минерал тош ва тузлар, шифобахш ёғлар ҳамда ҳайвонларнинг ички органларидан тайёрланади.

— Бизнинг асосий вази-фамиз халқ табиоти соҳасида мутахассислар тайёрлаш ҳамда табиий дорилар яратишидир, — дейди мазкур академиянинг бошқарув кенгаши раиси Муҳаммаджон Ҳамроев. — Бугунги кўргазмада намойиш этилаётган шифобахш гиёҳлар орак-қон томир тизими, ички касалликлар ҳамда қандли диабет хасталиклари муолажасида қўлланади. Жумладан, “Мумий”, “Исканжубин”, “Матбухи халила”, “Қамбил”, “Табобшир” сингари воситалар организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлаш ва қон айланисини яхшилаш хусусиятига эгадир.

Экспозициядаги “Gul” маркасининг табиий косметика воситалари — шифобахш мой, скраб, совун, ифориш шам ва чойлар ҳам шарқона гўзаллик ихлосмандларининг диққат-эътиборини жалб этмоқда.

Муборак ОХУНОВА, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбири.

Хизматлар кўлами кенгаймоқда

Бизнинг “Анд Авиценна” масъулияти чекланган жамиятимиз аҳолига турли турдаги, жумладан, невропатолог, окулист, хирург, лор, стоматолог, кардиолог, гинеколог, физиотерапевт табиий хизматларини кўрсатиб келади. 2010 йилдан буён “Асака” банки мижозимиз.

Интилиш

Андижон вилояти аҳоли-сига стационар шароитда табиий хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш мақсадида 110 ўринли стационар даволаш марказини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиққанмиш. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун жамият фаолият юр-таётган бинони тўлиқ реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, шу мақсадда банка 5 йил мuddатда 800,0 млн. сўм кредит сўраб мурожаат этган эдик.

Аризамиз қўриб чиқил-гандан сўнг жамиятимизга кредит ахратиш масаласи тезда ижобий ҳал қилиниб, “Асака” банкнинг “Фарҳод” филиали томонидан имтиёзли фоизларда узоқ мuddатга кредит маблағлари ажратилди. Жамиятимизда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини жорий йилнинг

август ойига тўлиқ якун-лаш кўзда тутилган. Бугунги кунда табиий даволаш марказимизда 23 нафар ходим иш билан таъминланган бўлса, лойиҳа тўлиқ амалга ош-гач, яна 26 та иш ўрни яратилади.

“Асака” банки қўрсатаётган хизматлар сифати ва банк ходимларининг эътиборидан жуда ҳам миннатдормиз. Келгусидаги режаларимизни амалга оширишда унинг молиявий қўллаб-қувватлашига ишонган ҳолда, халқимизга янада сифатли табиий хизмат кўрсатиш ва фаолиятимизни тобора кенгайтириб боришни ўз олд-димизга мақсад қилиб қўйганмиш.

Р. МИРЗАҚОСИМОВ, «Анд Авиценна» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Заводимизда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат тизимини жорий этиш борасида ҳам самарали иш олиб бориляпти. Айни пайтда у Марказий Осиёдаги тўртта халқаро стандарт сертификатига эга бўлган ягона корхонадир. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёنларини янгилаш ҳамда уларни халқаро андозаларга мослаштириш ишлари ҳам давом этиляпти.

Албатта, бу жиҳатлар завод салоҳияти ошишига хизмат қилаёпти. Корхонада 2011 йили солиштирма нарҳларда 995,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Республика истеъмолчиларига шу даврда 332,9 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари етказиб берилди. Белгиланган режа 116,1 фоизга бажарилди. Натиха ҳам шунга яраша: 2010 йилдагига нисбатан 25,1 минг тонна кўп нефть ва газ конденсати хом ашёси қайта ишланди.

Корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида углеводород эритгичи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўтган йили мамлакатимиз лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналари учун зарур хом ашё санналган ана шундай маҳсулотдан 9 655 тонна тайёрланди ва режа 107,3 фоизга бажарилди. Бу каби ютуқларда малакали кадрларнинг хиссаси бекиёсдир. Зеро, бугун корхонада 3270 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаёпти. Уларнинг 940 на-

фарини ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Беқозд Хайдаров — шулардан бири.

— Бухоро нефть ва газ саноати касб-хуна колледжида таҳсил олганман, — деди у. — Ўтган йили шу заводга ишга қабул қилидим. Ҳозир 1-цеҳда технологик қури-

Натихада 282 нафар талаба ишлаб чиқариш ва битирув-малакавий иши амалиётини бевосита зав-воддаги ишлаб чиқариш жараё-ларидан ўтказди. Бундан ташқари, Бухоро нефть ва газ ҳамда Коро-вулбозор саноат ва транспорт касб-хуна колледжларининг 234

Сертификатлар топширилади

Юрт тинчлиги ва осовийшталитини сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тараққийт марраларини изчил забт этишининг муҳим шартидир. Бинобарин, истиқлол йилларида Президенти-миз раҳнамолигида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ана шу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Академияси ўқув полигонига ушбу муассасада бир ой давомида касбий билими ва маҳоратини оширган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросимида инспекторларга таъкидланди. Унда вазирилик масъул ходимлари, академиянинг профессор-ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ва бошқалар таъкидлаганидек, бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мустақам моддий-техник базага эга милиция таянч пунктлари фаолият йўлга қўйилди. Айни чоғда милиция участка инспекторлари бўлимлари негизида профилактика инспекторлари институтининг жамиятда тугган ўрни ошиб бораётган. Бу эса ушбу касб эгаларида юксак профессионализм, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустақам алоқа ўрната олиш хусусиятларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Буни ҳозир диёримизнинг барча худудларида фаолият олиб бораётган ички ишлар идоралари соҳавий хизматларининг аҳоли, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари билан

ўзаро ҳамкорлиги янги бошқича кўтарилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш тездорлиги ҳамда ҳаракатчанлигини ошириш имконини берувчи бутун-лайиқ янги халқчил профилактик тизим яратилди. Илгарилари ҳар бир профилактика инспектори 10 — 15 минг, айрим жойларда ундан ҳам кўп аҳолига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу кўрсаткич мос равишда Тошкент шаҳрида 2,5 — 3 минг, бошқа худудларда эса 4,5 — 5 минг нафарни ташкил этаётган.

— Мазкур ўқув-йўлғинда билим ва таърибаимизни ошириш имконига эга бўлиб, — дейди Марҳамат тумани ички ишлар бўлими милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Азамат Абдозов. — Бу ерда касбий, жисмоний, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик ва табиий тайёрликлар машғулотларида иштирок этиб, малака ошириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ўз соҳасининг етуқ профессор-ўқувчиларидан таҳсил олганимиз ҳам биз учун айни мудоао бўлди. Ўрганганларимиз фаолиятимиз самардорлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда 600 нафар профилактика инспекторига сертификатлар топширилди. Улардан 19 нафар энг фаоли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилгининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор инновациялар — давр талаби

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татавбе қилиш бў-расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада юксак бошқича кўтаришда дастуриламал бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

— Инновация деганда кўпчилик мураққаб илмий ишланмалар ва йиллар мобайнида яратиладиган каш-фиётларни тушунади, — дейди Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар ижтимоий харакати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев. — Аслида, инновация инсон ҳаётини янада яхшилашга хизмат қиладиган ҳар қандай янгиликдир. Бундан ниманидир яратиш эмас, унинг жамиятга, инсониятга фойдасини орттириш муҳим ўрин та-ди. Масалан, бу борадаги

фиркимизни ахборот-коммуникация технологиялари мисолида давом эттирадиган бўлсак, нафақат янги қурилишни ихтиро этиш, балки мавжуд техниканинг фойдаланувчига тақдим қиладиган имкониятларини ошириш, уни янада қулайлаштириш ҳам инновациядир.

Анжуманда мамлакатимизда инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга таътиқ қилишини меъёрий-ҳуқуқий пойдевори яратилгани айтайтилиди. Айни пайтда юртимизда инновациялар ва инновацион фаолиятни қўлла-қувватлашини ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, бунда ёш ихтирочиларнинг ташаббуслари ҳамда янги гояларини ривожлантиришга қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратишни замоннинг ўзи тақозо этаётган.

Тадбирда бир гуруҳ ишланувчан ва интилувчан ёшларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳамда махсус дипломлар топширилди.

Ҳасан ТОШҚҲЖАЕВ.

замонавий стадион, “Ёшлар аттракцион боғи” ҳамда тураржойлар барпо этилиши кўзда тутили-ляпти. Буларнинг бари, шубҳасиз, заводда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, ҳаракатларини камайтириш, фаолият қўламини кенгайтириш эвазига рўёбга чиқ-моқда. Ҳисоб-китобларга қараган-да, 2009 йилда корхонада ҳара-жатлар режадаги 20,1 фоиз ўрни-га 30,3 фоизга, 2010 йилда эса 10 фоиз ўрнига 13,7 фоизга камайтирилди. Бу Президентимизнинг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Эътиборлиси, бугунги кунда корхона ўзининг қорвачилик мажмуасига ҳам эга. Бу ерда минг бошдан зиёд зотдор қорамоллар парварши қилинапти. Яна тўрт гектар майдонда иссиқхона, ўн гектар майдонда эса интенсив бoғ яратилган.

...Автуловда қадимий Бухоро шахридан қунчақ томон йўл лсангиз, ҳалал ўтмай, олисда қад рсталган минораларга кўзингиз тушади. Бу — ҳозиргина фаолият ҳақида ҳикоя қилганимиз, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводининг осмонлар минораларидир. Фахрлансак арзийдики, ушбу улкан иншоот халқимизнинг бунёдкорлик салотиқидан дарак бериб турибди ва бизни улуг мақсадлар, улкан яратувчилик ишлари сари илҳомлантириб, эртанги кунга ишонч ҳиссини янада мустаҳкамламоқда.

Тошўлат АҚМАД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими масъул котиви.

Qishloq Qurilish Bank

